

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ХИРУРГИЯ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ,
АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ХИРУРГИЯ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АБДУЛЛАЖАНОВ БАХРОМ РУСТАМЖАНОВИЧ

**ЎТКИР БИЛИАР ПАНКРЕАТИТНИНГ КЛИНИК-ЭПИДЕМИОЛОГИК
АСПЕКТЛАРИ ВА ДАВОЛАШ-ТАШХИС ТАКТИКАСИ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Абдуллажанов Бахром Рустамжанович

Ўткир билиар панкреатитнинг клиник-эпидемиологик аспекти ва даволаш-ташхис тактикаси хусусиятлари..... 3

Абдуллажанов Бахром Рустамжанович

Клинико-эпидемиологические аспекты и особенности лечебно-диагностической тактики при остром билиарном панкреатите..... 29

Abdullajonov Bakhrom Rustomjonovich

Clinical-epidemiological aspects and features of treatment and diagnostic tactics for acute biliary pancreatitis..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ХИРУРГИЯ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ,
АКАДЕМИК В. ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ХИРУРГИЯ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АБДУЛЛАЖАНОВ БАХРОМ РУСТАМЖАНОВИЧ

**ЎТКИР БИЛИАР ПАНКРЕАТИТНИНГ КЛИНИК-ЭПИДЕМИОЛОГИК
АСПЕКТЛАРИ ВА ДАВОЛАШ-ТАШХИС ТАКТИКАСИ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Докторлик диссертацияси мавзуси (DSc) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.2.DSc/Tib377 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат тиббиёт институти ва академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Бабаджанов Азам Хасанович тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Ничитайло Михаил Ефимович тиббиёт фанлари доктори, профессор Акилов Хабибулла Атауллаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Хакимов Мурод Шавкатович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «А.В. Вишневский номидаги Миллий хирургия тиббий тадқиқот маркази» федерал давлат бюджет муассасаси

Диссертация ҳимояси академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент ш, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия тиббиёт маркази).

Докторлик диссертацияси билан академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (100-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “__” даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.К.Абролов

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятков

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Шошилиш абдоминал патология таркибида ўткир панкреатит (ЎП) учинчи ўринни эгаллайди, «касалликнинг учраш частотаси эса йилига 100 минг аҳолига 30-45 та ва ундан кўпроқ беморни ташкил этади»¹. «Этиологик сабаблар орасида энг кўп учрайдиган иккита омил ажратиб кўрсатилади ва барча ҳолатларнинг 70-80% ини ташкил этади. Булар – билиар панкреатит ва касалликнинг алкоғол-алиментар шакли. Консерватив даволаш стратегияси кўпчилиқ ҳолларда турли этиологияларда ўхшаш бўлса-да, билиар панкреатитда ЎП ривожланишининг ўзига хос патогенези туфайли хирургик тактика фарқланиши мумкин»². Бошқа томондан, ушбу патологиянинг ривожланиш хусусиятларига сабаб омилларидан келиб чиқиб илмий-амалий қизиқиш билдириш ЎП этиологиясининг касаллик кечиши ва оқибатларига, айниқса, асоратли жараён шаклланиши ҳолатларига таъсири ҳақидаги маълумотларнинг қарама-қаршилиги натижасида келиб чиқади. «Тахминан 10-20% ҳолларда ЎП оғир, деб таснифланади ва маҳаллий йирингли-некротик ва тизимли панкреатоген асоратлар ривожланишининг юқори частотаси билан тавсифланади»³. Ўз навбатида, ташхислашнинг замонавий усуллари, консерватив ва хирургик даволашнинг замонавий усуллари қўлланаётганига қарамай, ўлим кўрсаткичлари юқори бўлиб қолмоқда ва 7,5-15,2% орасида бўлади, деструктив шаклида эса 40-70% га етади. Касалхонага ётқизилгандан биринчи ҳафта ичида ўлим 35-50% ҳолатда полиорган етишмовчилиги ривожланиши билан боғлиқ, бу ЎПнинг асосий кўп оқибатлари орасида етакчи ҳисобланади. Шунга кўра, ушбу оғир патологияни даволашнинг тактик жиҳатларини такомиллаштириш муаммоси нафақат хирургик ёндашувлар, балки кўп компонентли консерватив терапия сифатини яхшилаш масалаларини ҳам камраб олади.

Жаҳон амалиётида турли омилларга боғлиқ равишда ЎП ривожланиш патогенези, жумладан, касалликнинг этиологик сабаблари, молекуляр-генетик жиҳатлари, маҳаллий ва тизимли панкреатит қўшилган асоратлар ривожланиши натижасида ошқозон ости беши тўқималаридаги турли ўзига хос субстратларнинг ўзаро алоқасини ўрганишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Улар орасида, айниқса, ўпка тўқимасининг зарарланиши ва полиорган етишмовчиликнинг бошқа кўринишлари билан биргалиқда респиратор дистресс синдром ривожланиш хусусиятлари ўта долзарб ҳисобланади. Панкреатоген асоратларни аниқлаш учун ўзига хос маркерларни ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотади, шу жумладан, тавсия этилган балли тизим самарадорлигини баҳолаш ва патологик жараён оғирлик

¹Garber A, Frakes C, Arora Z, Chahal P. Mechanisms and Management of Acute Pancreatitis. Gastroenterol Res Pract. 2018 Mar 15;2018:6218798.

²Manrai M, Kochhar R, Gupta V et al. Outcome of acute pancreatic and peripancreatic collections occurring in patients with acute pancreatitis. Ann. Surg. 2018; 267: 357–63.

³Kayar Y, Senturk H, Tozlu M, Baysal B, Atay M, Ince AT. Prediction of Self-Limited Acute Pancreatitis Cases at Admission to Emergency Unit. GE Port J Gastroenterol. 2019 Jul;26(4):251-259.

даражасини ҳар томонлама текширишга тизимли ёндашишни такомиллаштириш бўйича бир қатор клиник тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Давлатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришининг замонавий босқичида ЎПни беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда, хусусан, юқори технологияли хирургик ёрдам сифатини оширишда муайян ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бирга, тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш учун ЎП ва унинг асоратларини самарали даволашни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган натижалар талаб этилади. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиршини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланди»⁴. Белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, замонавий ёндашувларни жорий қилиш, самарадорликни ва даволаш-ташхислаш сифатини ошириш орқали ЎПни даволаш натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.⁵ ЎП билан беморларга юқори технологияли хирургик ёрдам сифатини

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

⁵ Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: Vivian Eet al. AcutePancreatitis Task Force on Quality: Development of Quality Indicators for AcutePancreatitis Management. Am J Gastroenterol. 2019 Aug;114(8):1322-1342.; Moody N, Adiamah A, Yanni F, Gomez D. Meta-analysis of randomized clinicaltrials of early versus delayed cholecystectomy for mild gallstone pancreatitis.Br J Surg. 2019 Jul 3. doi: 10.1002/bjs.11221; Robin-Lersundi A, Abella Alvarez A, San Miguel Mendez C, Moreno Elalo-Olaso A,Cruz Cidoncha A, Aguilera Velardo A, Gordo Vidal F, García-Ureña MA.Multidisciplinary Approach to Treating Severe Acute Pancreatitis in a Low-Volume Hospital. World J Surg. 2019; Novovic S, Borch A, Werge M, Karran D, Gluud L, Schmidt PN, Hansen EF, Nøjgaard C, Jensen AB, Jensen FK, Frøkjær JB, Hansen MB, Jørgensen LN, Drewes AM, Olesen SS. Characterisation of the fibroinflammatory process involved in progression from acute to chronic pancreatitis: study protocol for a multicentre, prospective cohort study. BMJ Open. 2019 Aug 21;9(8):e028999; Jin HZ, Yang XJ, Zhao KL, Mei FC, Zhou Y, You YD, Wang WX. Apocynin alleviates lung injury by suppressing NLRP3 inflammasome activation and NF-κB signaling in acute pancreatitis. Int Immunopharmacol. 2019 Aug 19;75:105821; Jinno N, Hori Y, Naitoh I, Miyabe K, Yoshida M, Natsume M, Kato A, Asano G, Sano H, Hayashi K. Predictive factors for the

яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг кўплаб етакчи илмий тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртларида олиб борилган, жумладан, Methodist Dallas Medical Center (USA); Department of Pathology, University of Kiel (Germany); Department of Hepatobiliary and Pancreatic Surgery, Nottingham Digestive Diseases Centre and National Institute for Health Research (UK), Department of Intensive Care Medicine, Hospital Universitario del Henares (Spain), Department of Gastroenterology and Gastrointestinal Surgery, Hvidovre Hospital (Denmark), Department of Internal Medicine, Division of Gastroenterology, Bezmialem Vakıf University (Turkey), Shalamar Medical & Dental College (Pakistan), Department of General Surgery, Renmin Hospital of Wuhan University (China), Department of Gastroenterology and Metabolism, Nagoya City University Graduate School of Medical Sciences (Japan), Department of General Surgery, SCB Medical College (India), И.И. Жанелидзе номидаги Санк Петербург шошилинич тиббий ёрдам илмий-тадқиқот институти ДБМ (Россия), академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон), Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (Ўзбекистон).

Тактик ташхислаш мониторинги ва ўзига хос асоратларни даволаш орқали ЎПли беморларни даволашни яхшилаш бўйича дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида турли ечимлар таклиф қилинган, жумладан: ЎПнинг учта гистологик тури аниқланган: 1 типдаги некроз – перилобуляр, ички лобуляр ёки перипанкреатик ёғ тўқималарининг кўпроқ зарарланиши; 2 типдаги некроз оқимлар некрози устунлиги билан тавсифланади ва 3 типдаги некроз фақат ацинар хужайраларни қамраб олган (Department of Pathology, University of Kiel, Kiel, Germany); ўткир билиар панкреатитнинг этиологик сабаблари орасида бошқа омиллар билан таққослаганда оғир панкреатоген асоратларнинг ривожланиш эҳтимолининг юқорилиги касалликнинг оғир тури эканлиги аниқланган (Shalamar Medical&Dental College, Lahore, Punjab, Pakistan); билиар панкреатитнинг аксарият эпизодлари холедохолитиаз оқибатида ошқозон ости беши йўлининг обструкцияси ва унда босимнинг ортиши ёки тошнинг ўн икки бармоқ ичакка миграцияси билан боғлиқлиги, бунда яшириш билиар микролитиаз идеопатик ЎП ҳолларининг учдан икки қисмининг сабаби бўлиши мумкинлиги исботланган (Department of Surgery Hellenic Air Force General Hospital, Athens, Greece); трипсиногеннинг ички ацинари ЎП патогенизида асосий рол ўйнайди ва хужайраларнинг зарарланишига олиб келадиган бошқа протеазларнинг фаоллашувига сабаб бўлиши аниқланди, бунда ишемик шикастланиш кўпинча ўпка шишидан то касалликнинг оғир некротик шаклигача ривожланишининг асосий патогенетик механизми сифатида тан олинган (Division of Gastroenterology, Department of Internal Medicine, St. Vincent Hospital, The Catholic University of Korea, Suwon, Republic of Korea); APACHE II, BISAP баҳолаш шкалалари,

mortality of acute pancreatitis on admission. PLoS One. 2019 Aug 22;14(8):e0221468; Kayar Y, Senturk H, Tozlu M, Baysal B, Atay M, Ince AT. Prediction of Self-Limited Acute Pancreatitis Cases at Admission to Emergency Unit. GE Port JGastroenterol. 2019 Jul;26(4):251-259.

Ranson мезони ва компьютер томографияси маълумотлари бўйича касаллик оғирлик даражаси кўрсаткичи ЎПнинг клиник кечиши ва натижаларини прогнозлаш учун хавфларни табақалаштиришнинг оптимал тизими ҳисобланиши исботланган (Department of General Surgery, SCB Medical College, Cuttack, Odisha, India; Methodist Dallas Medical Center, USA); ЎП деструктив кечиш даражасининг визуализация натижалари орасида фақат ректовезикал ораликқа тарқовчи яллиғланиш ўлимнинг ягона прогностик омили бўлгани аниқланган (Department of Gastroenterology and Metabolism, Nagoya City University Graduate School of Medical Sciences, Nagoya, Japan).

Ҳозирги вақтда дунёда ЎПли беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган тадқиқотлар давом этмоқда. Ушбу тоифа беморлар сонининг барқарор ўсиши, даволаш тактикаси ва унинг қониқарсиз натижалари масалалари бўйича ёндашувларнинг ноаниқлиги ушбу патология клиник жиҳатларини яна ишлаб чиқиш заруратини кўрсатади. Организм асосий функцияларини сунъий ушлаб туриш учун замонавий технологияларнинг пайдо бўлиши, трансфузиология ва реаниматологиядаги муваффақиятлар, хирургиядаги янги технологиялар ЎПли беморларни даволаш муаммосини янги позициялар ва замонавий босқичда ўрганиш имконини беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЎП – энг оғир ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган касалликлардан бири бўлиб ҳисобланади. У асоратли кечишининг юқори эҳтимоли ва шунга мос равишда ушбу тоифадаги беморларнинг даволанишга кўп маблағ сарфлашлари билан ажралиб туради. Хусусан, АҚШда ЎП билан касалхонага ётқизиш энг қиммат даволаш бўлиб, йилига 2,6 миллиард доллар сарфланади⁶. Бугунги кунда ушбу патологияни даволашнинг кўплаб усуллари таклиф этилган, бироқ айнан уларнинг ҳар хиллиги кўпинча амалиётдаги шифокорга адекват равишда йўналтиришга имкон бермайди, бу эса бир қатор вазиятларда касаллик деструктив шаклининг тез ривожланиши ва эндотоксемия ортиши сабаб танлаб олинган даволаш усули самарадорлигини пасайтиради. Banks P.A. et al. (2013) нинг фикрича,⁷ ЎП этиологиясини аниқлаш даволаш стратегиясини шакллантиришда ёрдам бериши мумкин. Бунда этиологияни ЎПли беморларни даволаш натижаларига таъсири ҳал этилмаган ҳолда қолмоқда. Шу ўринда баъзи тадқиқотчилар билиар панкреатитда оғирлик даражаси ва ўлим юқорилигини таъкидлашган бўлса, бошқалари эса касалликнинг алкоғол шаклида ўлим кўрсаткичларини қайд этишган (Samanta J, et al., 2019)⁸. Kim DB, et al. (2017) маълумотларига кўра⁹, энг кўп маҳаллий асоратлар ва ўлим кўрсаткичлари ЎП алкоғол гуруҳида учрайди,

⁶ Peery A. F., Dellon E. S., Lund J., et al. Burden of gastrointestinal disease in the United States: 2012 update. *Gastroenterology*. 2012;143(5):1179–1187.

⁷ Banks PA, Bollen TL, Dervenis C et al. Classification of acute pancreatitis–2012: revision of the Atlanta classification and definitions by international consensus. *Gut*. 2013; 62: 102–11.

⁸ Samanta J, Dhaka N, Gupta P, Singh AK, Yadav TD, Gupta V, Sinha SK, Kochhar R. Comparative study of the outcome between alcohol and gallstone pancreatitis in a high-volume tertiary care center. *JGH Open*. 2019 Mar 26;3(4):338–343.

⁹ Kim DB, Chung WC, Lee JM, Lee KM, Oh JH, Jeon EJ. Analysis of factors associated with the severity of acute pancreatitis according to etiology. *Gastroenterol. Res. Pract.* 2017; 2017: 1219464.

бошқа олимлар эса бу борада фарқни аниқлашмаган (Zheng Y et al. (2015)¹⁰. Этиологиясидан қатъий назар, панкреатитнинг асосий патофизиологияси яллиғланишни келтириб чиқарадиган ошқозон ферментларининг муддатидан олдин фаоллашуви ҳисобланади. Бундан ташқари, бу икки этиология учун кўзгатувчи сабаблар турлича: алкоғол эркин радикаллар шикастланиши билан қон оқимини камайтиради (Schneider A, Singer MV., 2005)¹¹, билиар панкреатитда эса катта дуоденал сўрғичи ампуласининг обструкцияси кузатилади, бу эса ошқозон ости беши шираси димланиши ва сафро рефлюксини келтириб чиқаради (Sakorafas GH, Tsiotou AG., 2000)¹². Шунинг учун, назарий жиҳатдан ЎП икки турли шаклининг кечишида фарқ бўлиши мумкин.

ЎП эволюциясининг энг муҳим хусусияти касалликнинг оғирлик даражаси ҳолати ва клиник-морфологик шакллариининг хусусиятлари турлича шаклланиши ҳисобланади. Шунга кўра, таклиф этилган прогностик шкала бўйича патологик жараён кечиш даражасини баҳолашга турлича ёндашувлар алоҳида қизиқиш уйғотади (APACHE II, Ranson, BISAP, Balthazar ва бошқалар). Уларнинг сезувчанлиги ва ўзига хослиги таҳлилини ҳисобга олган ҳолда аксарият марказлар баҳолашнинг мураккаб тизимларидан фойдаланишда давом этмоқда, бунда бир қатор тадқиқотчилар шу мақсадда ЎП оғирлик даражаси хавфини стратификациялаш учун анча содда, бироқ ишончли шкалалардан фойдаланишни таклиф қилишмоқда (POP score), бу ўз вақтида даволаш ва асоратлар ҳамда ўлим сонини камайтиришга имкон беради (Escobar-Arellano R et al., 2019)¹³. Бироқ, аксарият ҳолатларда APACHE II тизимида устуворлик ЎП даражасини аниқлашда айниқса реанимация бўлими шароитида интенсив терапия самарадорлигини динамикада текшириш учун энг кўп исботланган прогностик тизим сифатида сақланиб қолади (Roberts SE et al., 2017¹⁴; Harshit Kumar A et al., 2018¹⁵; Moody N, et al., 2019¹⁶). Яна бир музоназарали масала бу ЎПни даволаш усулини танлаш бўлиб келмоқда. Хирургик даволашнинг мавжуд ёндашувлари самарадорлиги нисбатан пастлиги, операциядан кейинги асоратлар ривожланиш частотаси ва ўлим кўсаткичлари юқорилиги сабаб амалиётдаги шифкорларини етарли даражада қониқтирмайди. Ққп мутахассислар тактик масалаларда турлича қарашларига қарамай, аксарият мутахассислар ҳар бир клиника аниқ тажриба ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ЎПнинг ҳар бир шакли учун

¹⁰Zheng Y, Zhou Z, Li H et al. A multicenter study on etiology of acute pancreatitis in Beijing during 5 years. *Pancreas*. 2015; 44: 409–14.

¹¹Schneider A, Singer MV. Alcoholic pancreatitis. *Dig. Dis*. 2005; 23: 222–31.

¹²Sakorafas GH, Tsiotou AG. Etiology and pathogenesis of acute pancreatitis: current concepts. *J. Clin. Gastroenterol*. 2000; 30: 343–56.

¹³ Escobar-Arellano R, Guraieb-Barragán E, Mansanares-Hernández A, Sánchez-Valdivieso EA. Sensitivity, specificity and reliability of the POP score vs. APACHE II score as predictors of severe acute biliary pancreatitis. *Cir Cir*. 2019;87(4):402-409.

¹⁴ Roberts SE, Morrison-Rees S, John A, Williams JG, Brown TH, Samuel DG. The incidence and aetiology of acute pancreatitis across Europe. *Pancreatology*. 2017;17(2):155-65.

¹⁵ Harshit Kumar A, Singh Griwan M. A comparison of APACHE II, BISAP, Ranson's score and modified CTSI in predicting the severity of acute pancreatitis based on the 2012 revised Atlanta Classification. *Gastroenterol Rep (Oxf)*. 2018 May;6(2):127-131.

¹⁶Moody N, Adiamah A, Yanni F, Gomez D. Meta-analysis of randomized clinical trials of early versus delayed cholecystectomy for mild gallstone pancreatitis. *Br J Surg*. 2019 Jul 3. doi: 10.1002/bjs.11221.

ташхислаш ва даволаш баённомаларини ишлаб чиқиш зарурлиги борасида яқдил фикрдалар (Hamada S. et al., 2014¹⁷; Jacob AO et al., 2016¹⁸; Gao K et al., 2019¹⁹).

Адабиётлар таҳлили ЎПли беморларни даволаш натижаларини қониқарли, деб бўлмаслиги, бунда этиологиясидан келиб чиқиб касаллик кечиши хусусиятларини белгилаш, ўткир билиар панкреатитда тизимли панкреатоген асоратлар ривожланишининг тузилиши ва ўзига хослигини ўрганиш орқали нохуш натижалар хавфи омилларини аниқлаш, кўрсаткичларни баҳолашни ҳисобга олган ҳолда хирургик аралашуви самарадорлиги ва амалиётларни ўз вақтида амалга оширишни таҳлил қилиш, хирургик ёндашуви ва интенсив терапиянинг асосий клиник-патогенетик жиҳатларини оптималлаштириш орқали ўткир билиар панкреатитни даволаш усулларини такомиллаштириш ўта долзарб ва муҳим муаммо эканлигини кўрсатди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг ПЗ-2017090426-сон “Торақоабдоминал хирургияда аъзо етишмовчилигида ҳаётни сақлаб қолиш технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” илмий лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади махсус панкреатоген асоратларни тактик диагностик мониторингини такомиллаштириш ва комплекс даволаш-профилактика чора-тадбирларини оптималлаштириш йўли билан ўткир панкреатит билан беморларни даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасида ўткир панкреатитнинг эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш;

билиар панкреатитнинг кечиш хусусиятларини касалликнинг алкохол-алиментар шакли билан қиёсий ўрганиш;

билиар ва алкохол-алиментар панкреатитни даволашнинг қўлланган тактикаси таркиби ва самарадорлигини аниқлаш;

даволаш жараёнида ўткир билиар панкреатитнинг кечиши оғирлик даражаси динамикасини ўрганиш;

билиар панкреонекрозда қўлланган даволаш тактикаси натижаларини қиёсий таҳлил қилиш;

ўткир билиар панкреатитда тизимли панкреатоген асоратлар структураси ва частотасини, ўлим кўрсаткичларини ҳамда ўткир респиратор дистресс-синдром келиб чиқиши ва жадаллашуви хусусиятларини ўрганиш;

¹⁷Hamada S., Masamune A., Kikuta K., et al. Nationwide epidemiological survey of acute pancreatitis in Japan. *Pancreas*. 2014;43(8):1244–1248.

¹⁸Jacob AO, Stewart P, Jacob O. Early surgical intervention in severe acute pancreatitis: central Australian experience. *ANZ J Surg*. 2016;86(10):805–10.

¹⁹Gao K, Tong ZH, Li WQ. [Surgical intervention of local complications in acute pancreatitis: indication and timing]. *Zhonghua Yi Xue Za Zhi*. 2019 Jul 2;99(25):1938-1941.

эндоскопик амалиётлардан сўнг ўткир травматик панкреатит ривожланиши ва жадаллашиб бориш хусусиятларини ўрганиш ҳамда унинг ривожланиш хавф омилларини аниқлаш;

хирургик ёндашувларни оптималлаштириш ва интенсив даволашнинг асосий клиник-патогенетик жиҳатларини такомиллаштиришни инобатга олган ҳолда ўткир билиар панкреатитни даволаш тактикасини танлаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли этиологияли ЎП билан академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Андижон давлат тиббиёт институти клиникасида 2009-2018 йилларда текширилган ва даволанган 1073 нафар бемор хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети ўткир билиар панкреатит билан беморларни турли панкреатоген асоратлар тузилиши, частотаси ва кечиш оғирлигини аниқлаш билан қўлланган даволаш тактикаси самарадорлигини таҳлил қилиш, хирургик даволаш ва интенсив даволашнинг такомиллаштирилган жиҳатлари сифатини баҳолашдан иборат.

Текшириш усуллари. Тадқиқотда белгиланган мақсад ва вазифаларига эришиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: умумий клиник (қоннинг умумий ва биокимёвий таҳлиллари, коагулограмма), эндоскопик, нур текширув (ультратовуш, мультиспирал компьютер томография), лапароскопия ва статистик таҳлил усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларидан иборат:

касаллик давомийлиги ва кечиш оғирлигини ҳамда унинг жадаллашиб боришининг махсус прогностик мезонларини ҳисобга олган ҳолда билиар панкреатитга хос бўлган эпидемиологик ва клиник-патогенетик хусусиятлари аниқлаштирилган;

панкреатитнинг билиар шаклида махсус панкреатоген асептик ва йирингли-некротик асоратлар ривожланиши ҳамда даволашнинг қониқарсиз оқибати хавфи масаласида нисбатан юқори прогностик салбий хавф бўлган патологик жараён кечишининг оғирлигида фарқланишлар исботланган;

қўлланган даволаш тактикасига боғлиқ равишда билиар панкреатит кечиши хусусиятлари ва асосий патологик жараён жадаллашиши, панкреатитга боғлиқ тизимли асоратлар ва ўлим эҳтимоллиги аниқлаштирилган;

билиар патология фонида эндоскопик транспапилляр ва супрапепилляр даволаш-диагностик муолажалардан сўнг травматик панкреатит ривожланиш ва жадаллашиб боришининг патогномоник хусусиятлари очиб берилган;

эндоскопик муолажалардан сўнг ўткир травматик панкреатит ривожланиши эҳтимоллигини оширувчи анатомик ва клиник хавф омиллари аниқланган;

оғир билиар панкреатитда ўткир респиратор дистресс-синдром ривожланиши ва жадаллашишининг клиник-патогенетик хусусиятлари аниқлаштирилган ва респиратор кўмаклашиш фонида PaO_2/FiO_2 индекси ўсиши даражасини баҳолаш бўйича салбий прогност хавфи аниқланган;

антибактериал, антисептик, антигистамин ва бронхолитик воситалар дозаланган ҳаво-дори аралашмаси ёрдамида трахеобронхиал йўл микрофлорасига таъсир этишдан иборат бўлган ўпканинг узоқ муддатли сунъий вентиляцияси шароитида ўпка асоратларининг профилактикаси ва даволаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

билиар панкреатит учун касалликнинг алкохол-алиментар шаклидан фарқли равишда патологик жараён жадаллашиб боришининг юқори эҳтимоллиги хос бўлиб, бу касаллик ривожланишининг ўзига хос патогенетик механизмлари ҳамда даволаш тактикасининг самарасизлигидаги турлича ёндашувлар билан боғлиқлиги исботланди;

ўткир билиар панкреатитда хирургик амалиётга кўрсатмаларни ўз вақтида ва объектив ҳисобга олган ҳолда хирургик амалиётнинг тузилиши аниқланган, бу эса патологик жараён кечиш оғирлигини баҳолашда асосий тактик хатоларни аниқлаш имконини берди;

билиар панкреатитда тизимли панкреатитга боғлиқ асоратлар ва ўлим сабаблари таркибида ўткир респиратор дистресс-синдромнинг аҳамияти аниқланган, бу эса респиратор қўллаб-қувватлашнинг оптимал тактикасини танлашнинг ўзига хос жиҳатларини белгилаш имконини берди;

умумий ўт йўли дистал қисми блокланганда асоратли кечувчи посттравматик панкреатит ривожланишининг асосий сабабларини аниқлаш йўли билан эндоскопик амалиёт ўтказиш хусусиятлари аниқланди;

узоқ вақт ўпкани сунъий вентиляция шароитида бўлган беморларда трахео-bronхиал йўлда яллиғланиш жараёнини камайтириш, бронхларнинг дренаж функциясини тиклаш ва димланишнинг олдини олиш имконини берувчи ўпка асоратларини даволаш ва олдини олиш усули таклиф этилди;

хирургик ёндашувларини оптималлаштириш ва интенсив даволашнинг асосий клиник-патогенетик жиҳатларини такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда ўткир билиар панкреатитни даволаш тактикасини танлаш алгоритми ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги беморлар аҳволини баҳолашда объектив мезонлар, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларида фойдаланиш, статистик таҳлилнинг услубий ёндашуви ва статистик тўпламларни тўғри қўллаш билан асосланади. Тадқиқот етарли миқдордаги клиник материаллар асосида олиб борилди. Диссертацияда ўрганилган муаммоларни ечиш усули замонавий илмий-амалий тасаввурлар ва ЎПни ташхислаш ва хирургик даволаш ёндашувларига асосланган. Кўриб чиқилган вазифалар тиббиёт статистикасининг замонавий синалган усуллари билан таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижалар ЎП билиар шаклининг хусусиятларини бошқа этиологиядаги шакллари билан қиёсий ўрганиш ҳисобига ҳамда қўлланган даволаш тактикасини ўрганиш ва асосий патологик жараён жадаллашиб бориши, панкреатитга боғлиқ асоратлар ва ўлим эҳтимоллигини аниқлаш орқали

касаллик ва унинг асоратларини даволашда эришилган замонавий ютуқларига сезиларли ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, хирургик даволашга кўрсатмаларни ўз вақтида ва объектив равишда белгилашни ҳисобга олган ҳолда ўткир билиар панкреатитнинг кечиш хусусиятлари ва хирургик амалиёт тузилиши аниқланган, бу эса асосий тактик хатоларни аниқлаш имконини берган, шунингдек, узоқ вақт ўпкани сунъий вентиляция шароитида бўлган беморларда ўпка асоратларини даволаш ва профилактика усули, полиорган етишмовчилиги фонида детоксикацион даво ўтказиш технологияси таклиф этилган, бу эса, хирургик ёндашувларни оптималлаштириш ва интенсив даволашнинг асосий клиник-патогенетик жиҳатларини такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда даволаш тактикасини танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўткир панкреатит билан беморларга юқори технологияли ёрдам сифатини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижаларига кўра:

“Билиар этиологияли ўткир панкреатит оғирлик даражасини баҳолаш алгоритми” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 январдаги 8н-з/7-сонли хулосаси). Таклиф этилган тавсиялар билиар этиологияли ўткир панкреатитни, айниқса, панкреатоген асоратлар бўлган гуруҳ беморларини даволаш натижаларини яхшилаш имконини берган;

“Оғир ўткир панкреатит фонида полиорган етишмовчилик диагностикаси ва интенсив даволаш” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 январдаги 8н-з/7-сонли хулосаси). Таклиф этилган тавсиялар ўткир панкреатит фонида полиорган етишмовчиликни ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилаш имконини берган;

“Панкреатит билан боғлиқ ўпканинг ўткир шикастланишида респиратор даволаш тактикаси алгоритми” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 январдаги 8н-з/7-сонли хулосаси). Панкреатит билан боғлиқ ўпканинг ўткир шикастланишини даволашнинг таклиф этилган алгоритми ўткир панкреатитнинг ушбу оғир асоратини интенсив даволашнинг тактик жиҳатларини оптималлаштириш имконини берган;

“Механик сариқлик бор беморларда эндоскопик аралашувни қўллаш ёрдамида травматик панкреатитни аниқлаш усули” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 январдаги 8н-з/7-сонли хулосаси). Таклиф этилган тавсиялар механик сариқлик фонида эндоскопик аралашув туфайли келиб чиққан ўткир травматик панкреатитни даволаш натижаларини яхшилаш имконини берган;

ўткир билиар панкреатит билан оғирган беморларга хирургик ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказига, Андижон Давлат тиббиёт институти клиникасига, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон вилояти филиалига, Андижон вилоят кўп тармоқли

тиббиёт маркази шифохонаси амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 январдаги 8н-з/7-сонли хулосаси) татбиқ этилган. Ўткир билиар панкреатит билан беморларни даволашга таклиф этилган комплекс ёндашув ва панкреатоген тизимли асоратларларни интенсив даволашнинг таклиф этилган клиник-патогенетик жиҳатлари билан бирга қўллаш уларнинг частотасини 24,9% дан 14,9% га камайтириш, асосий патологик жараён барқарорлашуви ва регресси эҳтимолини 81% дан 89,6% га ошириш ва шу йўл билан ўлим кўрсаткичини 11,4% дан 4,5% га қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 6 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг чоп этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 32 та илмий ишлар чоп этилган, шу жумладан докторлик диссертациялари натижаларини чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсияномасидаги 12 та илмий мақола чоп этилган, ундан 8 республика ва 4 хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, саккизта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўткир панкреатит этиопатогенези, ташхиси, консерватив ва хирургик даволашнинг замонавий жиҳатлари”**, деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи ва ўткир панкреатитнинг этиопатоген жиҳатларига бағишланган масалалар ёритилган тўртта бўлим келтирилган. Ўткир панкреатит, унинг асоратлари, консерватив ҳамда хирургик тактиканинг қониқарсиз натижалари сабаблари батафсил баён этилган.

Диссертациянинг **“Беморларнинг клиник тавсифи ва текшириш усуллари қўллаш”**, деб номланган иккинчи бобда текширилган беморларга умумий тавсиф, шунингдек, текшириш усуллари келтирилган. Тадқиқот иши уч йўналиш бўйича ўтказилган текшириш натижаларига асосланади: бошқа этиологик сабаблардан фарқли билиар панкреатит кечишининг клиник-патогенетик хусусиятлари – 1073 нафар беморда аниқланди; ЎП билиар этиологияни даволаш тактикасининг қониқарсиз натижалари сабаби омиллари – 438 нафар танлаб олинган беморда таҳлил қилинди; эндоскопик ретроград панкреатикохолангиография (ЭРПХГ) фонида ривожланган ЎП, яъни постравматик панкреатитларни даволаш натижалари – 101 та беморда таҳлил қилинди.

ЎПнинг барча шакллари таркибида касалликнинг билиар этиологияси 40,8% (1073 бемордан 438 тасида) ҳолатда ва частотасига кўра фақат алкоғол-алиментар сабаблар - 46,2% (496) ҳолатда, қолган ҳолатларда травматик (ЭРПХГдан сўнг) - 9,4% (101), бошқа сабаб - 1,3% (14) ва ноаниқ этиология - 2,2% (24) ҳолатда аниқланди. Тадқиқот учун асосий йўналиш, билиар панкреатитда айнан даволаш тактикасини такомиллаштириш ҳисобланишини инобатга олиб, касалликнинг ушбу патологияси кузатилган барча беморлар (438) гуруҳларга ажратилди. Асосий гуруҳга 2014 йилдан 2018 йилгача келтирилган иккита марказда даволанган 201 нафар бемор киритилди. Бу беморларга панкреатоген тизимли асоратларни интенсив даволашнинг таклиф этилган клиник-патогенетик жиҳатлари билан бирга ўткир билиар панкреатитни даволаш тактикасини танлаш алгоритми қўлланди. Қиёслаш гуруҳига 2009 йилдан 2013 йилгача даволанган 237 нафар бемор киритилди. Ўт тош касаллиги билан 318 нафар бемор, постхолецистэктомик синдром билан (ПХЭС) – 66 бемор қайд этилди, 23 ҳолатда тошсиз холецистит аниқланди. Билиар панкреатит сабаб омилларига кўра беморлар тақсимланганида 57,5% (438 дан 252 тасида) ҳолатда касалликка холедохолитиаз сабаб бўлган. Частотасига кўра кейинги сабаб 17,1% (438 дан 75 тасида) ҳолатда аниқланган холедохнинг терминал қисми стенози бўлди. Холестази ўт қоп сладжи 14,4% (63) беморда, катта дуоденал сўрғичи папиллити – 11,0% (48) ҳолатда аниқланди.

Беморларнинг аксарияти асосий гуруҳда ҳам (33,8%), қиёслаш гуруҳида ҳам (36,8%) 45-59 ёшда, 20-44 ёш – мос равишда 32,5% ва 27,9%, 60-74 ёшлилар – 24,9%, аёл беморлар сони кўп бўлди (59,9% ва 60,2%).

Ranson ва АРАСНЕ II шкаллари бўйича тақсимлаш қуйидаги шаклда акс этди: аксарият ҳолатларда - 69,4% (438 дан 304 тасида) шишли ЎП ёки некроз ўчоғи ташхисланган, Ranson шкаласи бўйича 3 баллдан пастроқ ва АРАСНЕ II шкаласи бўйича 8 баллдан пастроқ – 70,1% ва 68,8% асосий ва қиёсий гуруҳда мос равишда аниқланган; ўткир деструктив панкреатит Ranson шкаласи бўйича 3 баллдан пастроқ ва АРАСНЕ II шкаласи бўйича 8 баллдан пастроқ 20,3% (438 дан 89 тасида) – 18,9% (201 дан 38 тасида) ва 21,5% (237 дан 51 тасида) кузатилган; ЎПнинг асоратли кечиши Ranson бўйича 6 баллдан кўпроқ ва АРАСНЕ II бўйича 15 баллдан кўпроқ ҳолат 10,3% (438 дан 45 тасида) – 10,9% (201 дан 22 тасида) ва 9,7% (237 дан 23 тасида) кузатилди. Атланта-92 учинчи қайта кўрилган халқаро таснифи (2012 йил) бўйича якуний ташхисни шакллантиришда билиар ЎП бўлган беморлар қуйидаги шаклда тақсимланишди: шишли панкреатит асосий гуруҳда 64,7% (201 дан 130 тасида) ва қиёслаш гуруҳида 66,2% (237 дан 157 тасида) беморда ташхисланди; панкреонекроз 35,3% (71) ва 33,8% (80) беморда аниқланди, бунда аксарият ҳолатларда стерил панкреонекроз (22,4% - 45 бемор ва 21,9% - 52 бемор), инфекцияланган панкреонекроз эса 12,9% (26) ва 11,8% (28) беморда кузатилди.

Ошқозон ости безида постнекротик кисталарнинг инфекцияланиши асосий гуруҳда 6,0% (201 дан 12 тасида) ва қиёслаш гуруҳида 5,5% (237 дан 13 тасида) ҳолатда ташхисланди; қорин парда орти флегмонаси 4,5% (201 дан 9 тасида) ва 4,6% (237 дан 11 тасида) кузатилди; йирингли перитонит 3,5% (7)

ва 3,0% (7) беморда ривожланган; чарви халта абсцесси 3,5% (7) ва 3,4% (8) ҳолатда кузатилди; ошқозон ости беши абсцесслари умумий 1,4% (438 дан 6 тасида) ҳолатда аниқланди, улардан 2 (1,0%) нафар бемор асосий гуруҳдан ва 4 (1,7%) – қиёсий гуруҳдан.

Асосий гуруҳда (1-жадвал) комплекс консерватив даволаш билан кутиш тактикаси афзал кўрилди, хирургик амалиёт фақат 19,4% (201 дан 39 тасида) ҳолатда амалга оширилди, қиёсий гуруҳда эса ушбу кўрсаткич 30,8% ни (237 дан 73 та) ташкил этди.

1-жадвал

Амалиёт бажарилган билиар панкреатитли беморларнинг тақсимланиши

Амалиёт	Асосий гуруҳ		Қиёслаш гуруҳи		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
УТ-назорати остида чарви халтасини дренажлаш	5	2,5%	7	3,0%	12	2,7%
Лапаротомия, ХЭК, холедохни дренажлаш, чарви халтасини очиш, тозалаш ва дренажлаш	9	4,5%	17	7,2%	26	5,9%
Лапароскопия, лапаротомия, чарви халтаси ва қорин бўшлиғини дренажлаш	1	0,5%	2	0,8%	3	0,7%
ХЭК, холедохолитотомия, холедохни дренажлаш, чарви халтасини очиш, тозалаш ва дренажлаш	6	3,0%	14	5,9%	20	4,6%
Лапароскопия, холедохни Пиковский усулида дренажлаш, чарви халтасини дренажлаш	7	3,5%	15	6,3%	22	5,0%
Чарви халтаси абсцессини очиш, тозалаш ва дренажлаш	5	2,5%	3	1,3%	8	1,8%
Қорин бўшлиғи ва қорин парда орти бўшлиғини очиш, некрсеквестрэктомия ва дренажлаш	6	3,0%	15	6,3%	21	4,8%
Жами	39	19,4%	73	30,8%	112	25,6%
Амалиёт бажарилмаганлар	162	80,6%	164	69,2%	326	74,4%

Каминвазив ва анъанавий хирургик аралашув улуши мос равишда 30,4% ва 69,6% ташкил этди, асосий гуруҳдаги тенг частотага нисбатан (30,8% ва 69,2%) ва қиёслаш гуруҳида (30,1% ва 69,9%).

Диссертациянинг «Билиар этиологияли панкреатитнинг эпидемиологик жиҳатлари ва клиник-патогенетик хусусиятлари», деб номланган учинчи бобида ўткир панкреатит эпидемиологик хусусиятларининг дунёдаги ўртача статистик кўрсаткичларга нисбатан ўрганиш учун Ўзбекистон Республикасининг уч вилояти – Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларидаги ушбу патология билан касалланиш таҳлили ўтказилди. Касалланиш динамикасини баҳолаш мақсадида иккита беш йиллик давр танлаб олинди: биринчи давр – 2009 йилдан 2013 йилгача ва иккинчи давр – 2014-2018 йиллар. Адабиётлардаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ўткир панкреатит билан касалланиш частотаси дунёнинг турли минтақаларида фарқланиши мумкин. Бу асосий икки этиологик омил (ўт тош касаллиги ва алкоголь-алиментар) турли даражада тарқалганлиги билан боғлиқ.


Ўткир панкреатит ривожланиши этиологик омиллари борасида ҳам давлатимизда фарқланишлар кузатилди. Шунинг таъкидлаш лозимки, ўткир панкреатит анамнезини касаллик тарихлари бўйича таҳлил қилинганида,

касалликнинг алиментар-алкогол тури бўлган 496 та беморларнинг деярли учдан бир қисмида (145 та бемор – 29,2%) ушбу этиология тасдиқланмади. Бизнинг материализмизда аёллар сонининг кўплиги ва бизнинг минтақамиз учун ўт тош касаллигининг хослиги, ушбу беморларда ўткир панкреатит алиментар ёки алкоголь омили туфайли эмас, балки жуда кичик тошларнинг миграцияси ёки холедохда ўт сладжи мавжудлиги билан боғлиқ бўлиши ва уларни фақатгина махсус текширув усуллари (МРТ, ЭРПХГ) қўллаш ёрдамидагина аниқлаш мумкинлигини англатади. Шундай қилиб, ўткир панкреатитнинг эпидемиологик хусусиятлари Фарғона водийсида ўрганилганда, касалланиш кўрсаткичининг 100 минг аҳолига 9,0 (2009-2013йй.) дан 13,3 (2014-2018йй.) гача ўсиши кузатилди, бунда ушбу кўрсаткичнинг даражаси дунёдаги ўртача кўрсаткичларга (100 минг аҳолига 13-45) нисбатан паст эканлиги кузатилди, ўз навбатида, этиологик сабаблар бўйича қарама-қарши манзара бўлиб, алкоголь-алиментар омил улушининг 55% дан (Россия хирурглари жамияти маълумоти, 2014йй.) 32,7-46,2% гача камайиши ва билиар шаклининг 35% дан 40,8-54,3%, шунингдек травматик (ЭРПХГдан кейин) омилнинг 2-4% дан 9,4% гача ортиши кузатилиб, бу республикамизда ўт тош касаллиги билан касалланишнинг юқори кўрсаткичи билан боғлиқдир.

Билиар этиология учун алиментар панкреатитдан фарқли равишда қиёсий жиҳатдан куйидаги хусусиятлар хос: касаллик таркибида аёлларнинг кўплиги (60% қарши 51,4%; $\chi^2=7,020$; Df=1; p=0,009); янада юқори тана оғирлиги индекси (28,4±0,3 қарши 27,3±0,2; T=3,05; P<0,01); кечроқ муддатда мурожаат қилиш (16,4% қарши 25,6% биринчи муддатда мурожаат қилганлар; $\chi^2=7,608$; Df=1; p=0,006), бунда алиментар панкреатит учун ўртача оғирлик даражасидаги беморларнинг кўплиги хос бўлса (73,0% қарши 57,5%; $\chi^2=5,136$; Df=1; p=0,024), билиар шаклда оғир даражадаги беморлар сони кўп бўлган (12,8% қарши 7,9%; $\chi^2=5,018$; Df=1; p=0,026). Ўз навбатида, касалхонага кеч мурожаат қилиш ва оғир даражадаги беморларнинг сонини юқори бўлиши, олиб борилган даволашнинг самарасизлигига сабаб, бошқа клиникадан ўтказилган беморларнинг сезиларли кўплигига боғлиқ (35,2% қарши 6,5%; $\chi^2=120,199$; Df=1; p<0,001), бу эса ўзига хос клиник-биокимёвий кўрсаткичлар яққол оғиши билан акс этган (лейкоцитар формуланинг чапга силжиш, амилаза ва ҳоказо).

Ranson ва APACHE II шкаласи бўйича беморлар ҳолатини комплекс баҳолаш билиар ва алиментар ЎП ўртасида патологик жараённинг кечиш даражаси ишончли фарқ қилишини кўрсатди ($\chi^2=40,818$ мезони; Df=3; p<0,001). Бунда 69,4% (304 бемор) ҳолатда шишли ЎПнинг билиар шакли ёки некроз ўчоғи белгиланди ва Ranson бўйича 3 баллдан камроқ ва < APACHE II бўйича 8 баллдан камроққа мос келди, шунда алиментар ЎПда мезон маълумотлари 86,1% (427 бемор) ҳолатда аниқланди. Ўткир деструктив панкреатит (>3 Ranson; >8 APACHE II) 20,3% (n=89) ҳолатда билиар этиологияли ва 10,9% (54) ҳолатда алиментар этиология ташхисланди. 10,3% (45 бемор) ва 3,0% (15 бемор) ҳолатда билиар ва алиментар этиология асоратли деструктив ЎП мос равишда (>6 Ranson; >15 APACHE II) аниқланди. 1-расмда беморларни Атланта-92 (2012) халқаро таснифи бўйича тақсимлаш кўрсатилган. Демак, билиар патология учун

65,5% ҳолатда панкреатитнинг шишли формаси, 34,5% ҳолатда панкреонекроз ташхисланди.



1-расм. Беморларни Atlanta таснифига кўра тақсимлаш (2012)

Билиар этиологияли ЎПда хирургик амалиёт фаоллиги 25,6% ни ташкил этди (438 бемордан 112 та беморда), касалликнинг алкоғол-алиментар шаклида фақат 7,9% (496 бемордан 39таси) беморга амалиёт бажарилди ($\chi^2=53,814$ мезони; Df=2; $p<0,001$), қайта хирургик амалиёт частотаси 9,1% (40) қарши 1,6%ни ташкил этди (8) ($\chi^2=24,430$ мезони; Df=2; $p<0,001$), ўз навбатида амалиётдан кейинги ўлим кўрсаткичи 25,9% (29) ва 20,5% га (8) етди, консерватив даволашнинг фатал оқибатлари 2,1% (7) ва 0,7% (3) ҳолатда аниқланди, умумий ўлим кўрсаткичлари - 8,2% (36) ва 2,2% (11) беморда аниқланди ($\chi^2=30,358$ мезони; Df=3; $p<0,001$).

Диссертациянинг “**Билиар этиологияли ўткир панкреатитни даволаш тактикасининг қониқарсиз натижалари сабабларининг омилларини таҳлил қилиш**”, деб номланган тўртинчи бобида даволаш жараёнида ўткир билиар панкреатит кечиши даражасининг динамикаси касалликнинг деструктив шакли 16,5% га (237 дан 39 тасида), касалхонага келганда 33,8% га (80) ($p<0,001$) ортиши билан тавсифланади, жумладан, панкреонекрознинг турли йирингли-септик асоратлари билан стерил (13,9% дан 21,9% гача) ва инфекцияланган (2,5% дан 11,8% гача) ($p=0,027$) шаклида ортиши кузатилди.

Билиар ЎПли беморлар қўлланган даволаш тактикасига кўра қуйидагича тақсимланди: асосий даволаш усули сифатида каминвазив хирургик амалиёт амалга оширилган беморлар гуруҳи – 22 (9,3%) нафар, улардан 12 та (7,6%) беморда шишли ЎП бўлган; анъанавий амалиётдан кейинги беморлар гуруҳи – 51 (21,5%) нафар, жумладан, 25 (15,9%) та шишли панкреатит бўлган беморлар; ва консерватив даволанган беморлар гуруҳи – 164 (69,2%) та бемор, аксарият кузатувлар (120; 76,4%) ЎПнинг шишли шаклига тааллуқли.

Билиар ЎП ва унинг асоратларини хирургик даволашга асосий кўрсатмаларни баҳолашда уч гуруҳга ажратилди: мажбурий хирургик амалиёт (73 тадан 34 таси), асоссиз хирургик тактика (31) ва консерватив даводан ўз

вақтида хирургик даволашга ўтмаслик (73 тадан 8 та). Мажбурий хирургик амалиёт гуруҳида беморлар ҳолатининг барқарорлашиши 31,5% (23 бемор) ҳолатда, жараён жадаллашиб кетиши –15,1% (11) ҳолатда кузатилди, бунда полиорган етишмовчилиги (ПОЕ) 24,7% (18) ҳолатда ривожланган. Хирургик амалиёт самарасиз эндоскопик уриниш, перитонит, инфекцияланган панкреонекроз, панкреатоген абсцесс ва қорин парда орти флегмонаси билан катта дуоденал сўрғичига тош қисилиши кўрсатма сифатида хизмат қилди. Асосланмаган хирургик тактика чарви халтача абсцессидида ёки жараён инфекцияланиши белгиларсиз - суюқлик тўпланишининг чекланишида 12,3% (9) ҳолатда; даволанмаган ЎП фонидаги холедохолитиазада- 6,8% (5); инфицирланган панкреонекроз ўчоғида - 6,8% (5); перитонит клиник белгиларсиз қорин бўшлиғида суюқлик тўпланишида - 5,5% (4); ва инфекцияланиш белгиларсиз панкреатоген шок ҳолатида - 11,0% (8) қўлланилди. Беморлар ҳолатининг барқарорлашиши 28,8% (21) ҳолатда, жараён ривожланиши – 13,7% (10) ҳолатда аниқланди, бунда ПОЕ 20,5% (15) ҳолатда ривожланди. Консерватив даводан хирургик даволашга ўз вақтида ўтмаслик 11,0% (73 дан 8 тасида) ҳолатда аниқланди: барқарор ёки 7 кундан ортиқ малакали консерватив даво ўтказишда инфекцияланмаган фактига боғлиқ бўлмаган тизимли яллиғланиш жавоби фонидаги ривожланадиган ПОЕ 4,1% (73 тадан 3 тасида) ҳолатда ва ЎПнинг йирингли-некротик асоратларини 3 кун давомида консерватив даволашга қарамасдан динамика ижобий бўлмаганида 6,8% (73 тадан 5 таси) ҳолатда аниқланди.

Билиар ЎПнинг турли даволаш тактикаларига кўра кечиш табиатига боғлиқлиги тизимли асоратлар частотаси ва тузилишини баҳолаш 2-жадвалда кўрсатилган. Бунда битта беморга 1 тадан 3 тагача асоратлар тўғри келган.

2-жадвал

Билиар панкреатитнинг тизимли асоратлари частотаси ва тузилиши

Асоратлар	Консерватив тактика		Хирургик тактика		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Жадаллашувчи жигар етишмовчилиги	5	3,0%	13	17,8%	18	7,6%
Нафас етишмовчилиги (ЎРДС)	7	4,3%	22	30,1%	29	12,2%
Буйрак етишмовчилиги	6	3,7%	18	24,7%	24	10,1%
Юрак қон-томирлари етишмовчилиги	4	2,4%	17	23,3%	21	8,9%
ДВС-синдром	1	0,6%	7	9,6%	8	3,4%
Сепсис	4	2,4%	14	19,2%	18	7,6%
Септик (инфекцион-токсик) шок	3	1,8%	6	8,2%	9	3,8%
ЎАТЭ (аутопсияда - ЎРДС)	1	0,6%	4	5,5%	5	2,1%
Интраабдоминал аррозив қон кетиш	0	0,0%	6	8,2%	6	2,5%
Гастродуоденал қон кетиши	1	0,6%	3	4,1%	4	1,7%
Экссудатив плеврит	4	2,4%	12	16,4%	16	6,8%
Асоратли беморлар	19	11,6%	40	54,8%	59	24,9%

Билиар панкреонекрозда қўлланган даволаш тактикаси натижаларининг репрезентативлигини ҳисобга олган ҳолда қиёсий таҳлил қилиш (Ranson ва АРАСНЕ II шкаласи бўйича ЎП кечиши даражасини қиёслаш: 16 та консерватив ва хирургик даволанган беморда) хирургик амалиётда тизимли асоратлар

консерватив тактикада 50% (8) га қарши 31,3% (5) ҳолатга, ўлим кўрсаткичи - 37,5% (6) га қарши 18,8% га (3) етганини кўрсатди, бу эса хирургик амалиёт нафақат маҳаллий панкреатоген асоратларни бартараф қилишга, балки бошқа томондан асосий патологик жараён ва тизимли асоратлар қўшилган панкреатит ривожланиш хавфига ҳам бевосита таъсир кўрсатишини исботлайди.

Ўткир билиар панкреатитда ўз вақтида хирургик амалиётни амалга оширилганда патологик жараённинг яна ривожланиши 32,4% (34 дан 11 тасида) ҳолатда, панкреатоген тизимли асоратлар эса 52,9% (18) беморда, ўлим кўрсаткичлари билан 35,3% (12) ҳолатда кузатилди, ўз навбатида, кўрсатмаларни қайта баҳолаш билан амалиёт ушбу кўрсаткичлар 32,3% (31 тадан 10), 48,4% (15) ва 19,4% (6), кечиккан амалиётдан сўнг - 62,5% (8 тадан 5), 87,5% (7) ва 62,5% (5) ҳолатни ташкил этди.


Билиар панкреатит ривожланиши турли панкреатит – аралаш тизимли асоратларнинг тўла компонентли ривожланиш эҳтимоли билан тавсифланади, бунда ўлим частотаси 11,4% ни ташкил этди, салбий прогнознинг асосий сабаб-оқибат омиллари эса ПОЕ ва ўткир респиратор дистресс-синдром (ЎРДС) пайдо бўлиши - 77,8% ва буйрак етишмаслиги - 48,1%, шунингдек септик кўриниш - 33,3% ва геморрагик асоратлар - 11,1% беморда аниқланди. Билиар панкреатитда асосий тизимли панкреатоген асоратларнинг омилларини таҳлил қилиш салбий натижа ва касаллик оқибатининг етакчи белгиларидан бири ЎРДС ривожланиши эканлигини кўрсатди ва бунда уларнинг частотаси 12,2% ни ташкил этди ва 76,5% ҳолатда ушбу асоратларнинг эрта ривожланиши ва фақат 23,5% беморда ПОЕ нинг бошқа кўринишлари фонида ривожланиши кузатилди.

